

АДОЛАТ

Инсон манфаатлари — олий қадрият

ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

1995 ЙИЛ 22 ФЕВРАЛДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • 2005 ЙИЛ 7 ОКТЯБРЬ, ЖУМА • СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА • № 41 (537)

ПРЕЗИДЕНТ САНКТ-ПЕТЕРБУРГТА ЖўНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 6 октябр куни «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилотига (МОХТ) аъзо мамлакатлар Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрига жўнаб кетди.

Президентимиз сафар олдидан Тошкент аэропортида журналистлар билан суҳбатлашди.

«Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилоти ҳақида гапирганда, унинг шу минтақада яшаётган халқларнинг ҳаёти учун нечоғли аҳамиятга эга эканига алоҳида эътибор қаратмоқ лозим, - деди Ислам Каримов. - Марказий Осиё минтақаси халқларининг иқтисодий манфаатлари бир-бири билан ўзвий боғлиқ. Энергетика, табиий бойликлар ёки транспорт алоқаларини олинг, ҳуллас, барча соҳада манфаатларимиз тутшиб кетган. Демак, биз олдимизда турган муаммоларни биргаликда, баҳамжihat ҳал этмоғимиз даркор.

Шу нуқтаи назардан «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилоти ўз олдига қўйган вазифаларини тўла адо этипти, дейиш қийин. Ташкилот фаолиятини янада жонлантириш, унда қабул қилинаётган қарорларнинг тўла ишлашини таъминлаш зарур.

Санкт-Петербургда ўтажак саммитда минтақавий хавфсизликни таъминлашга, ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантиришга, террорчилик ва наркотибсизга қарши биргаликда курашишга, шунингдек, «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилоти фаолиятини кучайтиришга оид масалалар муҳокама этилиши мўлжалланган.

(ЎЗА)

ПРЕЗИДЕНТЛАР УЧРАШУВИ

Ислам Каримов «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг саммитида иштирок этиш учун бугун Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрига келди. Давлатимиз раҳбари ўзи учун ажратилган қароргоҳда Қирғизистон Республикаси Президенти Курманбек Бакиевни қабул қилди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Қирғизистон муносабатлари ҳамда минтақавий хавфсизликка оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА)

БИРИНЧИ ДАВРА ЯКУНЛАНДИ

Аргентинанинг Сан-Луис шаҳрида Халқаро шахмат федерацияси «ФИДЕ» шафелигида шахмат бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати ўтказилмоқда.

ФИДЕ мутасаддилари шахмат олимпиадаги барқарорлигини таъминлаш усулини тоғди - амалдаги жаҳон чемпиони Рустам Қосимов ҳамда жаҳон рейтингининг юқори поғоналарида турган яна етти нафар шахматчи иштирокда жаҳон чемпионатини ўтказишга қарор қилди. Мутахассислар бу жаҳон чемпионатини сўнгги элик йилдаги энг муҳим ва аҳамиятли мусобақа сифатида эътироф этмоқда.

(Давоми 4-бетда)



Шахмат

Сўнгги йилларда халқаро терроризм бутун инсониятга таҳдид солиб, дунё цивилизациясининг, давлатлараро интеграция ва тараққиётнинг ашаддий душманига айланиб бормоқда. Аини пайтда терроризмнинг тажовуздан ўзини батамом холи ҳис этган бирорта қитъа ёки давлатнинг ўзи йўқ.

ТЕРРОР ХУРУЖИ

У кимга ва нимага керак?

Бу офат қачон, қаерда, қай тарзда хуруж қилишини, кимни нишонга олишини ҳам олдидан баҳорат қилиш қийин. «Ал-қоида», «Хизбут-таҳрир», «Абу Сайф» сингари экстремистик гуруҳларнинг тажовузкор ҳаракатлари давом этмоқда. 2001 йил 11 сентябрда Нью-Йоркда, кейинчалик Москвадаги «Норд Ост» киноконцерт залида рўй берган фожиали воқеалар, Испанияда йўловчи поездининг портлатилиши ёки 2004 йил 11 мартда Мадридда, 2004 йил 1 сентябрда Бес-ланда, 2005 йил 13 майда Андижонда ва 2005 йил 7 июлда Лондонда содир этилган террорчилар хужу-ми оқибатида қанчадан-қанча бегуноҳ одамлар ҳаётдан қў юмди. Жиноятчиликка қарши кураш бўйича дунёдаги вазиятни ўргани-увчи БМТ ҳузуридаги ташкилотнинг маълумотига қўра, ўтган асрнинг охири 30 йили мобайнида жаҳон-да содир этилган жиноят-лар 4 мартага қўлайган.

Жумладан, МДХ давлатла-ри ва АКШда 8 марта, Буюк Британия ва Швецияда 7 марта, Францияда 6 марта ўсган. Кримнолог олим-ларнинг таҳминига қўра, қийн йилларда дунёда ҳар соатда 200 мингта жиноят содир этилиши мумкин экан. Мазкур жиноятлар-нинг аксарияти террорчилар томонидан амалга ошири-лиши эҳтимоли бор. Бу ха-лқаро терроризм ва диний экстремизмнинг жаҳон ҳам-жамиятига солаётган хавфи тобора ортиб бораётгани-дан далолат беради.

Террорчилик дастлаб бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда, сайёраимизнинг тур-ли минтақаларида ўзининг зўравонлигини, қуролли ху-ружларини намойн этган бўлса, эндиликда бу ёвуз-лиқнинг бир-бири билан ўз-вий боғлиқлиги тобора яққол намойн бўлмоқда. Президент Ислам Каримов халқаро терроризм ва экстремизмнинг чўқур илди-з отганига жаҳон ҳамжамия-тининг эътиборини тортиб, «...агар диний экстремизм ва ақидадарастлик широрлари халқаро террорнинг говийн-никоби бўлса, наркотибсиз- ва наркотрафик, ҳеч шубҳа-сиз, халқаро террорнинг

нинг сабаби қўллаб давлат-ларнинг бу офатга ўз вақ-тида эътибор бермагани, унга қарши зарур чора-тад-бирлар қўрмаганидир. Бу-гунги кунда инсоният тақ-дири, ер юзидagi ҳар қан-дай давлатнинг тараққиёти, бундай таҳдидларни қай да-ражада англаб етиши ҳамда уни бартараф қилиш сало-ҳиятига боғлиқ бўлиб қолди.

Халқаро терроризм, уму-ман, террорчилик, экстремизм хуусиятга эга жиноят-чиликнинг олдини олиш, уни бартараф қилишга доир чора-тадбирларни қўришда Юртбошимизнинг хизматла-рини алоҳида таъкидлаш жоиздир. Мамлакатимиз раҳ-бари БМТ, ЕХТ доирасида-ги анжуманларда халқаро террорчилик ҳаракатларига қарши курашда жаҳондаги барча тинчликсевар қўчла-ри билраштириш, айниқса, террорчи жиноятчиларга мо-лиявий мадад берувчи ҳар қандай манбанинг пайини қирқишга хизмат қиладиган Марказ ташкил этиш таша-буси билан чиқди.

(Давоми 3-бетда)

Илат

молиявий таянчи», деб таъкидлаган эди.

Халқаро терроризм қўла-мининг кенгайиб, жаҳон ци-вильзациясига қарши қора қўлга айланиб бораётгани-

чи ўринбосари Муҳаммад-жон Тўшболатов. «Бу ички ва ташқи бозор истеъмол-чиларининг талабини қонди-ришга қаратилган истиқбол-ли илмий-тадқиқот йўна-лишларни аниқлаш имкони-ни беради.

Серхосил бўлиши баро-бариди толаси янада сифат-ли гўза турларини етишти-риш Республикаимиз агро-саноат мажмуаси олдида тур-ган долзарб вазифалардан ҳисобланади. Олимнинг фикрича, Республикаимиз гўза уруғини саралашнинг ягона тизимига амал қилинмоқда. Мамлакатимиздаги йигирма-та иختисослашган илмий-та-дқиқот институтлари сави-ҳаракати билан гўзанинг ёвуз-ли, маданийлашган уруғ ва шакллариинг ўттиз беш мингдан ортиқ намунасини ўзида жамлаган коллекция тўпланган.

Улар мунтазам равишда морфологик, биологик ва ҳўжалик хуусиятлари бўйи-ча ўрганилиб, нав яратиш амалиётида кенг қўлланила-ди. Яратилган гўза навлари

35 навишан станцияларида ва қишлоқ ҳўжалиги экин-ларини нав синаш бўйича Давлат комиссияси дала-ларида синовдан ўтказилади. Бундан ташқари, синовдан ўтказилаётган нави экиш, саноатда қайта ишлашга яроқлилиги текширилади. Танланган нав учун энг са-марали бўлган ҳудудлар аниқланади.

Ўтган мавсумда Ўзбеки-стонда 3,53 миллион тонна-дан зиёд пахта хом ашёси етиштирилди. 2004 йилда бундан аввалги йилга нис-батан 3,3 фоиз қўп, яъни 976,6 минг тоннадан ортиқ пахта толаси ишлаб чи-қарилди. 2005 йилнинг бири-нчи ярим йиллигида 636,2 минг тонна пахта толаси етиштирилган бўлиб, бу 2004 йилнинг ҳудди шу дав-рига нисбатан 29,6 фоиз қўп демакдир. Ўзбекистон па-хта толасини етиштириш ҳажми бўйича жаҳонда ол-тинчи ўринни, уни экспорт қилиш бўйича эса иккинчи ўринни эгаллайди.

«Туркистон-пресс»

Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида «акциядорлик жамия-ти» деган тушунча кўпчилик учун янгилик бўлмай қолди. Ҳоқ-лаган тадбиркор ёки фуқаро даромад олиш пайида иқтисоди бақувват ташкилот ёхуд муассас-сининг акцияларини сотиб олиш-га ҳаракат қилади. Уларнинг фа-олияти эса, «Акциядорлик жамия-тлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғри-сида»ги қонун асосида тартибга солинади.

Тан олиш керакки, ҳар қандай шароитда акциядор-лик жамиятлари ривож-и қор-хона раҳбарининг идиблар-монлигига, уйдабуронлигига боғлиқ. Бирок, айрим ак-циядорлик жамияти қорхо-налари раҳбарларининг ҳали-хануз эскича иш юри-тиш усулидан воз кеча ол-маётгани акциядорларни қийин ахволга солиб қўймоқда.

Гап шундаки, Тошкент шаҳрида-ги «Зангори экран» очик акциядор-лик жамияти 2003 йилнинг 29 де-кабрида масъулияти чекланган жа-минга айлантирилди. Энг қизиги, бундан акциядорларнинг кўпчили-ги беҳабар қолди. Сабаби жа-мият томонидан тузилган акциядор-лар реестрига ва умумий йиғилишда иштирок этувчилар рўйхатига ки-ритилган жами 31 нафар шахс ре-естр ёғилган ва йиғилиш ўтказил-ган кунда акцияларга эга бўлмаса-да 3386 дона акцияларнинг соҳи-би сифатида умумий йиғилишда иштирок этган.

Республика Давлат мулкни бо-шқариш ва тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси ҳузури-даги Қимматли қўғозлар бозори

фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази бу қонун-бузилиш ҳолатларини ипидан иг-насиғача ўрганиб, даво ариза би-лан Тошкент шаҳар ҳўжалик суди-га мурожаат қилди. Суд ишни қўриб чиқиб, «Зангори экран» ОАЖ акциядорларининг 2003 йил 29 де-кабрида навбатдан ташқари уму-мий йиғилиши баённомаси(қарори)-ни ҳақиқий эмас деб тоғди. Бир қарашда адолат қарор топгандек,

ИШЧИ БОРУ ИШХОНА ЙЎҚ

ёхуд «Зангори экран» ОАЖ Мирзо Улуғбек туман филиалининг 20 нафар ходимини қийнаётган муаммо хуусида

гўё акциядорларнинг ҳуқуқи ҳимо-ялангандек. Бирок... — Узоқ йиллардан бери мана шу ташкилотда ишлаб келаман, — дейди «Зангори экран» ОАЖ Мир-зо Улуғбек туман бўлими раҳбари Мухтор Сафаров. — Фаолиятимиз давомида қорхона ва ташкилотлар, фуқароларга қўрсатган хизматимиз учун ҳисоб рақамимизга 11 милли-он сўм атрофида даромад келиб тушарди. Бундай ютуқлар ҳамжи-ҳатликка боғлиқ экан. Агар айрим ҳамкасблар жамоани ривожланти-риш ўрнига фақат ўз чўнтагини ўйламаганида ҳозиргидай ахволга тушиб қомасидик. Биргина ўтган, 2004 йилда ташкилотимиздаги ўзи-буларчилик, сансалорлик оқибати-да узоқ йиллар давомида йиққан обрўйимиздан, энг ёмон, миқзо-ларнинг бизга бўлган ишончидан

садида «Зангори экран» ОАЖ раҳ-барлари билан учрашдик. Очиги, биз тасаввур қилган бир пайтлар-даги машҳур ташкилотда бугун фой-за қийналапмиз. Бундан ташқари, «Файкон инвест» ОАЖга арзима-с пулга сотиб юборилди. Шу йилнинг 8 августидан бошлаб эса бизни бинога киритмапти. Қорхонанинг 20 нафар ходими қўчада қолди.

Юзага келган муаммо ва камчи-ликларнинг сабабини билиш мак-

Жумбоқ

ведентларини ололмаётгани боис 35 фоиз акциялари хисобига та-сарруфимиздаги мулклардан бир қисмининг ўтказиб беришини талаб қилишди. Шунинг учун ўша бино-ни сотишга мажбур бўлдик.

Ха, олма пиш — озғимга туш де-ган замонар энди ўтиб кетди. Бу-гунги раҳбар замонга мос равишда тадбиркорлик билан иш олиб бормаса, унинг бошқ-арган қорхонасининг ҳам, меҳнат қилаётганларнинг ҳам қосаси оқармайди. Ак-синча, мазкур қорхонадаги каби йиллар давомида жа-моанинг меҳнати авазига то-пилган мол-мулклар солиқ ва бошқа тўловлар авазига сотиб юборилади. «Зангори экран» ОАЖнинг Мирзо

Улуғбек филиали меҳнат жамоаси ҳам ишонасининг иқтисодий но-чор ахволга тушиб бораётганидан қайғуришмоқда. Қолаверса, раҳ-барларнинг бундай ҳаракати боис солиқ ва бошқа тўловларни тўлаш учун сотиб юборилган бинони қай-тариб беришини сўраб, шикоят ёзмадан ҳуқуқ-тартибот идораси қолмади, ҳисоб. Текширувчилар эса қорхона ночор ахволга тушиб қол-ганлиги тўғрисида бино соҳибла-ринини аниқлашди, ҳолос. Ким ҳақ, ким ноҳақ эканлигига аниқлик ки-ритилиб, акциядорлар ва меҳнат жамоасининг ҳуқуқлари қонун ва қонилар асосида ҳимояланиши ло-зимлигини шу соҳага алоқадор му-тасаддилар ўйлаб қўрс мақсадга мувофиқ бўларди.

Бахтиёр ТОШНАЗАРОВ, «Адолат» мухбири

«ВАЪДАЛАР ЁЛҒОН ЭКАН»

акциядорлар нега ранжишмоқда?

ИШТИРОКЧИЛИК

тушунчасининг таърифи хуусида тақлиф

2

Ушбу сонда:

СУДЛАНГАНЛИК МУДДАТИ ҚАЧОН ТУГАЙДИ?

саволга жавоб

ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН

сифат сертификати — маҳсулот қафолати

3

ХАЛҚАРО АҲАМИЯТДАГИ ҚЎРИҚХОНА

ноёб ҳайвонлар ва ўсимликлар макони

КАСАЛЛИКНИ ЕНГДИМ. ТУШУНПИСИМИ?..

латифа

4

Фракция йиғилиши

ЎҚУВ СЕМИНАР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ



Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Адолат» социал-демокра-тик партияси фракцияси-нинг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни фракция

раҳбари Д.Тошмухамедо-ва бошқарди.

Йиғилишда «Бюджет тизи-ми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни Молия вазирлиги мутахассислари иштирокида муҳокама этил-ди. Унда бюджет тизимининг тузилиши ва унинг бошқариш асослари, принциплари, ту-зилмаси, шунингдек, тузил-мани қўриб чиқиш, қабул қилиш ва ижро этиш тарти-би, даромадларни шаклланти-риш, харажатларни амалга ошириш принциплари тўғри-

сида ўзаро фикр алмашил-ди.

Ўқув семинардан кейин фракция аъзолари шу йил-нинг ноябр ойига мўлжал-ланган Умумпартия конфе-ренциясини ўтказиш юзаси-дан ўз фикрларини баён этишди. Шунингдек, фрак-ция тарафидан партия ҳуд-дий ташкилотлари ва пар-ламентдаги фракция иш фа-олиятини жадаллаштириш мақсадида келгусида амал-га ошириладиган тадбирлар белгилаб олинди.

Фаолият

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

«Адолат» СДП мақсади ва вазифалари барча бўғиндаги партия ташкилотлари зим-масига катта масъулият юқлайди. Негаки, фаолиятни жонлантириш бевосита партия-нинг жойлардаги фаолиятига боғлиқ. Ба-жарилиши лозим бўлган вазифаларни уд-далашда уларнинг алоҳида ўрни бор.

«Адолат» СДП Хоразм вилоят Кенгаши томонидан бу борада муайян ишлар бажа-рилмоқда. Хусусан, вилоят Кенгаши бош-лаб партия ташкилотларининг фаоли-ятини кенгайтиришга, аъзоларнинг фаол-лигини оширишга алоҳида эътибор қара-таёттир. Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида юз бераётган янгиликлар, воқеа-лар юзасидан қўйи ташкилотларда турли давра суҳбатлари, кечалар ўтказилмоқда.

Шундай тадбирлардан бири Янгибозор туман Кенгашида партия котиблари ишти-рокида ўтказилди. Давра суҳбатда Пре-зидентимизнинг Хоразм вилоятига қилган ташифи мобайнида белгилаб берилган устивор вазифаларни бажаришда партия-нинг ҳам ўрни борлиги қайд этилиб, кел-гуси режалар белгилаб олинди.

Хонқа туман партия Кенгаши ҳам шу ма-салага бағишлаб жойларда давра суҳбат-лари уюштирди. «Хонқа ил йиғириш ва тўқимачилик фабрикаси» маъсулияти чек-ланган ва Хонқа пахта тозалаш очик тур-даги ҳўжалик жамиятларида бўлиб ўтган давра суҳбатларида туман партия Кенгаши

биринчи котиби О. Отажонов иштирок этди.

Гурлан туман поликлиникасида туман партия Кенгашининг бошланғич ташкило-тини тузишга келишиб олинди. Тадбирда сўзга чиққан туман Кенгаши иккинчи коти-би З. Қўчқарова партиянинг дастури ва ва-зифаларини фаоллик билан амалга оши-риш лозимлигини таъкидлади.

Хазорасп туман партия Кенгашининг на-вбатдан ташқари Пленумида эса бир қатор ташкилий масалалар қўриб чиқилди. Туман Кенгаши биринчи котиби лавозимда фао-лият юритиб келаятган Баҳром Рўзимов ўрнига Алишер Худойкулов тайинланди.

Шовот туман Кенгаши ташаббуси билан тумандаги «Галабининг 40 йиллиги» сана-торийсида йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилиш-да туман Кенгаши иккинчи котиби Уғил-жон Вапаева партиянинг дастури ва вази-фалари, шунингдек, ҳозирги кундаги фао-лият тўғрисида йиғилганларга батафсил маълумот берди.

Янгибозор туман «Жайхун» қишлоқ фу-қаролар йиғинида «Ишчиликка қарши» мавзусида давра суҳбати уюштирилди. Суҳ-батда туман Кенгаши котиблари Д.Мада-минова ва Р.Мискиннов туман миқёсида иш-сизликни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида фикр юритди.

Содиқ НОРБОВЕВ, «Адолат» мухбири

Обуна — 2006

«АДОЛАТ»ГА ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?

Адолат мезони, адолат тамойили Сизга доимо ҳамроҳ бўли-шини истасангиз «Адолат» газетасига обуна бўлинг.

Газетамиз келгуси йил ҳам Сиз азиз газетхонларнинг адо-латли фикр-мулоҳазаларингизни ўз саҳифаларида чоп этишга бел боғлаган.

Аини пайтда барча алоқа ва почта бўлимларида 2006 йил учун «Адолат» газетасига обуна давом этмоқда.

Азиз муштарий! Ижтимоий ҳаётдаги долзарб мавзудаги мақолаларни ўқий десангиз — «Адолат»га обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 100.



ПАХТАКОРЛАР ҲУЗУРИДА

Айни кунларда далалари-мизда пахта йигим-терими қизиган пайт. Ҳозир дехқоннинг асосий эътибори оқ олтин тоғларини нест-нобуд қилмасдан йиғиштириб олишга қаратилган. Ушбу мавсумдан "Адолат" социал-демократик партияси фаоллари ҳам четда туришгани йўқ. Партия фаоллари жойларда пахтакорлар билан учрашувлар ташкил қилиб, уларнинг маънавий ҳордиқ олишида кўмаклашмоқда.

Яқинда Тошкент вилояти Бўқа туман Кенгаши аъзолари "Мустақил Ўзбекистон" ширкат ҳўжалиги теримчилари билан қизикарли учрашув ташкиллаштирди. Тадбирда туман Кенгаши биринчи котиби Мўътабар Ҳолиқова хашарчи-теримчиларга яратилаётган шарт-

шароитлар ҳақида батафсил гапириб берди. У ўз сўзида пахта ҳосилини нест-нобуд қилмай йиғиштириб олишда муҳтарама опа-сингилларимизнинг ҳиссаси катта бўлаётганини, ҳўжалик касабаси уюшма кўмитаси раиси Мақсудахон Қайумова, болалар бочаси тарбиячиси Барнохон Тожиевалар ҳар кун ҳўжалик хирмонида 100-120 килодан пахта териб топшираётганлигини таъкидлаб ўтди. Йиғилишда Кенгаш томонидан илгор теримчиларга совға-саломлар улашилди.

Учрашув сўнгиди "Мустақил Ўзбекистон" ширкат ҳўжалиги қоида партиянинг бошланғич ташкилотли тузилиб, ташкилотга ҳўжалик бош иқтисодчиси Манзураҳон Ёшбоева раҳбар этиб сайланди.

РЕЖАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

қарорлар юзасидан фикр алмашилди. Йиғилишда асосий эътибор бошланғич ташкилотларда аъзоларни рўйхатга олиш ишларини тартибга солиш, сиёсий ва маънавий жиҳатдан етук кадрлар билан мустаҳкамлаш, аъзоларнинг сиёсий, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш масалаларига қаратилди. Бу масалалар юзасидан турли ўқув семинарлари, тренинглари,

аҳоли билан олиб бориладиган ишлар кўламини ошириш каби долзарб вазифалар белгилаб олинди. Бу борада Норин, Наманган, Чортоқ, Тўрақўрғон туманларида ва Наманган шаҳар Кенгашларида эътиборга молик ишлар амалга оширилаётганлиги эътироф этилди.

Азаматжон МАХМУДОВ,
«Адолат» мухбири

МУРАББИЙЛАР ЭЪЗОЗЛАНДИ

Униб-ўсиб келаётган ёш авлодга таълим-тарбия беришдек машаққатли, айни чоғда масъулиятли иш ўқитувчи ва мураббийлардан катта фидойилик талаб этади. Ўз ҳаётини бутун борлигини ана шу эъзу ишга бағишлаган бу касб эгаларини ҳар қанча эъзозласак, қадрласак оз.

Ўқитувчи ва мураббийлар куни — умумхалқ байрами тантаналари «Адолат» социал-демократик партияси томонидан ҳам кенг нишонланди. Партиянинг жойлардаги ташкилотлари томонидан бу улўв касб байрами кўтаринки руҳда кўтиб олинди, байрам дастурхонлари ёзилди, совғалар улашилди.

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек

тумани Кенгаши ташаббуси билан Ўзбекистон Фанлар Академияси «Электроника» институтининг мажлислар залда бўлиб ўтган тадбир ҳам ана шу санага бағишланди. Тадбирда партиянинг Тошкент шаҳар Кенгаши биринчи котиби Н.Фиёсов, шаҳар Кенгаши депутати М.Ахунвалар устоз ва мураббийларни байрамлари билан табриклаб, эсдалик совғаларини топширдилар.

Собир Раҳимов туман Кенгаши туман ҳокимияти билан ҳамкорликда байрам тадбирини уюштиришди. Унда партия номидан тадбир иштирокчиларига совғалар улашилди. Худди шундай тадбир «Бинокор» мавзесида ҳам бўлиб ўтди. Бектемир туман Кен-

гаши ташаббуси билан ташкил этилган бу тадбирда туман Кенгаши биринчи котиби О.Сиддиқов партия совғаларини ўз эгаларига етказди.

Ургў туман Кенгаши томонидан ҳам байрам дастури ишлаб чиқилиб, тадбирлар уюшқоқлик билан ўтказилди. Туман Халқ таълими бўлимида ва 46-сонли мактабда бўлиб ўтган тадбирларда байрам дастурхони ёзилиб, қимматбаҳо совғалар ва фахрий ёрликлар топширилди.

Урганч туман партия Кенгаши байрам муносабати билан тадбир ўтказди. Унда туман партия Кенгаши биринчи котиби М.Норметова байрам иштирокчиларини табриклаб, турли совғалар топширди.

Бунёдкорлик

ШИЖОАТИ


— 14 та бригаддан иборат бўлган участкамизда 168 нафар қурувчи меҳнат қилади, — дейди участка бошқарувчиси Жўрақул Хидиров. — Иш фаолиятимизни икки сменада қилиб бораёмиз. Бу ишнинг тезкорлик билан бажарилишига асосий омил бўлаётти.

Иш самарадорлигини таъминлашда Эргаш Зокиров раҳбарлик қилаётган кўча жамланминан алоҳида ўрни бор.

Турсун МАХМАДАЛИЕВ,
«Адолат» мухбири
Суратларда: иш жараёнидан лавҳалар



ҚУРУВЧИЛАР



«Деновиженерингқурилиш» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари виллоятдаги бунёдкорлик ишларига муносиб улўш қўшаётлар. Жамият қурувчилари томонидан ўтган йили Деновдаги майиш хизмат касб-хўнара коллежи, «Хайробод» пахта заводи қурилиб фойдаланишга топши-

рилди. Қурувчилар айни кунда ҳам қизгин иш олиб боришмоқда. Шўрчи туманидаги янги коллеж биноси, «Хайробод пахта тозалаш» ҳиссасдорлик жамиятига қарашли уруғлик чигитини қайта тайёрлаш цехи уларнинг фидокорона меҳнатлари туфайли тезкорлик билан қад ростламоқда.

Тахририятга хат келди

ВАЪДАЛАР ЁЛҒОН ЭКАН

«Сизларга хат йўллашимдан мақсад шуки, мен акциядори бўлган Каттақўрғон шаҳар умумий овқатланган давлат корхонаси 1994 йил ҳиссасдорлик жамиятига айлантирилди. Кўпчилик қатори мен ҳам имкониятим даражасида акция сотиб олиб, меҳнат фаолиятимни шу жамиятда давом эттирдим.

1998 йили корхонамиз «Пазанда» масъулияти чекланган жамиятига айлантирилди. Жами акцияларим корхона мулкчининг 7,82 фоизини ташкил этгани боис, маммурий кўлимга гувоҳнома берди. Бироқ дивидент пулларини олмадим, корхона директори Ҳабибулло Коряхонов корхонанинг иқтисодий аҳоли оғирлигини, вақти келиб ҳаммаси яхши бўлиб кетишини айтди. Унинг сўзларига ишонгандим.

2001 йил март ойида Х.Коряхоновнинг мулкчи улўш микдорини кўпайтириш мақсадида ўз улўшимни унинг илтимосига кўра ўтказиб бердим. Бунинг эвазига менга мулкчи улўшимга яраша бирорта объект беришни ваъда берди. Аризамни қўлга олгандан сўнг эса, кўп ўтмай ишдан бўшаганимни маълум қилди. «Сабр қил, ҳаммаси яхши бўлади», деб мени ишонтирди.

Орадан анча вақт ўтди. Бу орада Ҳабибулло Коряхоновга бир неча марта му-

рожаат қилдим. У ваъдасининг устидан чиқиб ўрнига дўқ-пўпсига қилиб, тазийк ўтказиб йўлга ўтди. Маъмурий органларга хабар беришимни айтганимдан сўнг, у «Пазанда» масъулияти чекланган жамиятининг бир бўлак мулкчи бўлган объект — савдо дўконини олди-сотди шартномаси туздириб, менга берди. Бунинг эвазига мендан нотариал тартибда тасдиқланган тилхат беришимни талаб қилди. Унга ишониб тилхат бердим. Ўйлаб кўрсам ушбу дўкон менинг ҳақиқий улўшимнинг тахминан 20 фоизини ташкил этаркан. Таважубга тушдим.

Каттақўрғон шаҳар прокуратурасига шикоят қилдим, бироқ ҳеч қандай текширув ўтказилмади.

2004 йил 14 сентябрда прокуратурадан: «Сизни ҳудди шу турдаги ёзган аризаларингиз шаҳар прокуратураси томонидан бир неча марта қўриб чиқилиб, ўз тасдиқини топмагани ҳақида маълум қилинган», деган жавобни беришди. Корхоналар фаолиятини текширишни мувофиқлаштириш комиссияси эса ҳужжатли тафтишга рухсат бермай,

оқибатда ёзган шикоятларим натижасиз қолаверди. Директоримиз Х.Коряхонов фуқаролик ишлари бўйича Каттақўрғон туманлараро судига ҳаётов ариза билан мурожаат қилиб, шикоятларим туфайли «моддий ва маънавий зарар» кўрганлиги учун мени жавобгарликка тортишмоқчи бўлди. Судья Б.Хўжайиёзов унинг даъвосини қисман қаноатлантириш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилишга эришди. Менинг ёзган апелляция ва кейинчалик кассация тартибдаги шикоятларим эса ҳанузгача қўриб чиқилгани йўқ.

Ахир, Коряхонов мени алдаб мулкчи улўшимни ўзлаштирмаганида дўконни бермаган бўларди. У фақат мени эмас, акциядор Миршарип Бахриддинов, Баҳодир Ражабов, Акбар Шеро сингари ўттиздан зиёд кишининг мулкчи улўшларини ўз фойдасига ишлатиб келляпти. Маъмурий идора ҳодимлари эса биз акциядорларнинг аризмизга қўлоқ қўтиш ўрнига Коряхоновга ён босиб келаётганига ҳайронмиз. Ахир, қўнун ҳамма учун баробар-ку! Шундай экан, мутасадди ташкилотлар адолат юзасидан назорат ўтказиб, ким ҳақ, ким ноҳақ эканлигини аниқлашга яхши бўларди».

Аҳмаджон ШЕРОВ,
Каттақўрғон шаҳар
«Пазанда»
масъулияти чекланган
жамиятининг акциядори

Партия кўзгуси

тадбирлар ўтказишни йўлга қўйиш борасида аниқ режалар белгилаб олинди. Шунингдек, барча поғонадаги партия Кенгашларида кадрлар заҳирасини шакллантириш, уларнинг интеллектуал-маънавий ривожланиши учун зарур шароит яратиш,

Эл қорига яраб, юртнинг эртаси учун ёниб яшайдиган инсонлар юксак ҳўрмат-эҳтиромга сазовор бўлишлари ва бунга улўр ҳаққидирлар. Улар ўз ҳаётларининг мазмунини фидойи меҳнатда эъзу амал ва аҳшисликда қўрадилар. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, «Адолат» социал-демократик партияси аъзоси Юсубжон Нишонов ўзининг кўп йиллик самарали хизмати боис эл орасида муносиб обрў-эътиборга эга бўлди — меҳнатқашлиги ва энг муҳими, орзу-умидларига садоқати уни шундай мавқега олиб чиқди.

Ҳа, болалиқнинг беғубор орзулари инсонга қанот беради, учқур ҳаёллар хайрли ишларга даъват этади. Бўлмаса, оддий тракторчи оиласида туғилиб ўсган Юсубжон аканинг келажакида етук шифокор бўлиб, кўпчиликнинг дардига даво топади, бу машаққатли касб ортидан шундай мартабага эришади, деб биров ўйлаганмиди. Орузининг ушалиши эса этик ечмай сув кечмоқни тақозо қилади. Мактабда кунт билан ўқиган Юсубжон Нишонов дастлаб Қўқондаги медицина билим юртида таҳсил олди, уни тугатиб, Бувайда тумани марказий шифохонасида иш бошлади.

Билимга чанқоқлиги Юсубжон акани Тошкент медицина институти сари еталади. Институти имтиёзли диплом билан тугатгач, ундаги иқтидорни, жонқуярлиқни кўришган устозлар олийгоҳда қўлиб илмни амалиёт билан қўшиб олиб боришни тақлиф этишди. Шундай бўлди ҳам: талабаларга таълим берди, илмий изланиш олиб бориб, номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Уни «Санитария-гигиена» факультети декани

муовини лавозимига лозим қўришди. Аввало ўзига, қолаверса, талабаларга бўлган талабчанлиги ва жонқуярлиги боис институт жамоаси орасида ҳўрмат қозонди.

Юсубжон Нишонов

ЭЛ АРДОФИДАГИ ИНСОН

қишлоқ аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида Фаргона вилоят раҳбарияти тақлифи билан Бувайда тумани марказий шифохонасида бош шифокор лавозимида қарийб ўн йил ишлади. Ишлаганда ҳам шунчаки хизмат вазифасини бахариш билан чекланиб қолмади, балки соҳада ўзгаришларга, янгиликларга бош-қош бўлди. Унинг меҳнатлари муносиб тақдирланди — «Соғлиқни сақлаш аълочилиги» унвони билан мукофотланди.

Табиятан серҳаракат, тиниб-тинчимас Ю.Нишонов

Фаргона Давлат университети қошидаги Тиббиёт марказининг «Тиббий биологик фанлар» кафедраси мудириликга тайинлангандан сўнг талабаларга таълим-тарбия бериш билан бир қаторда марказнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ўқув жараёнини давлат таълим стандартлари даражасида ташкил этишда жонбозлик кўрсатди. Бироқ, илмий изланишларни ҳам тўхтатиб қўймади, кўп йиллик тадқиқотлари рўёбга чиқди — тиббиёт фанлари доктори илмий унвонини олди. Унинг раҳбарлигида кафед-

Замондошларимиз



қўрсатаёттир. Унинг ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан Бувайда туманидаги битта жамоа ҳўжалиги тўлиқ газлаштирилди, бешта қишлоққа тоза ичимлик суви қувурлари тортилди. Туман марказий шифохонаси ва поликлиника замонавий тиббиёт асбоблари билан таъминланди.

Меҳнати туфайли халқнинг ишончига сазовор бўлган Юсубжон Нишонов Мустақиллик байрами арафасида Президентимиз Фармонига биноан «Меҳнат шўхрати» ордени билан тақдирланди.

Ораминда Юсубжон Нишоновдай фидойи, ҳар бир ишда эл-юрт нафани ўз манфаатидан устун қўйиладиган зукко замондошларимиз кўпчиликлка ибрат бўлғулик ишларни амалга ошираётган экан, бундан биз қувонамиз, ана шундай инсонлар боис эртанги кунимизга янада ишонч билан қараймиз.

Соҳиқ НОРБОВ
«Адолат» мухбири

Қилмиш-қидирмиш

СЕЛИТРАФУРУШЛАР «ЧУВ» ТУШДИ

Мамлакатимизда хусусий секторни ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ана шундай бир шароитда ишлайман, ҳалол пул топаман деган одамга иш чўт эмас экан. Қўлида бирор хўнари бор ёки ишбилармон, ишланувчан кишининг омади чоғди. Шундай ишбилармон ва тадбиркор бори, ҳам мўл-мўл даромад қиялти, ҳам обрў-эътибор қозониб, кўпчиликнинг дуосини оляпти. Улар янги-янги турдаги савдо ва ишлаб қарши қорхоналари ташкил этиб, давлат газасининг, қолаверса, аҳоли фаровонлигининг ошишига қамарбаста. Бироқ, базидида қонунларимизни четлаб ўтиб, мўмайгина даромад қилишни орзу қилган тадбиркорлар ҳам учраб турибди.

Паркент туманида ноқонун равишда савдо-сотик билан шуғулланаётган «тадбиркор»ларга нисбатан

қонуний чора қўришни сўраб ёзилган шикоят ариза асосида О. Юнусов кўчасидаги 18-уйда қисқа муддатли текширув ўтказилди. Натижада, қонундан эгаси Гулсина Раззоқованинғ фуқаро Зайниддин Алиевга 82 килограмм селитрани 18 минг сўмга пуллагани, ҳеч қандай назорат қасса машинаси чекини бермагани маълум бўлди. Шунингдек, ушбу қонундан 622 минг 230 сўмлик 10 тонна 550 килограммлик аммиак селитраси сақланаётганлиги аниқланди. Уй соҳибаси Г. Раззоқовадан ҳўжжати талаб қилинганида, юқлар поччаси М. Тожиевнинг тегишли эканлигини, Ваҳолангина кўнига 2000 сўмлик хизмат ҳақи эвазига бу иш билан шуғулланаётганини билдирди. Қонунбузарларга нисбатан Жиноят кодексининг 188-моддаси 2-қисми «б» ва «в» бандлари билан

жиноий иш қўзғатилди. «Чарос Плюс» ХУСФ фаолияти ўрганилганда эса унинг раҳбари Абду Абдураҳимов тадбиркорликда кўз қўриб, қўлоқ эшитмаган «ихтиро»лари фойда этилди. У Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига зид равишда фирма низоом жамғармасини шакллантирмасдан туриб, туман «Тадбиркорбанк» бўлимига 2004 йилнинг 18 февралда берган 31-сонли хатини қалбақлаштирган. Улғуржи савдо қилишга рухсатнома олиш учун 10 миллион 880 минг сўм пул маблағи қириқтирилганлиги ҳусусида туман ҳокимлигига сохта ҳўжжатлар тақдим этган. Ваҳоланки, унинг ҳисоб-раҳамиди бу пуллардан асар ҳам бўлмаган. Бундан ташқари, Абду Абдураҳимов 134419,8 минг сўмлик харидорнинг маҳсулотларни сотиб, банк идораларига тушум пулларини

топширишни ҳаёлига ҳам келтирмаган.

Қўза қундан эмас, қунида синади. Тадбиркор Абдураҳимов бу жиноий хатти-ҳаракатлари учун қонун олдида жавоб берадиган бўлди. Унга нисбатан Жиноят Кодексининг тегишли моддалари билан жиноий иш қўзғатилди.

Ҳа, қонунлар асосида иш юритган тадбиркорнинг ошғи олчи. «Сохта тадбиркор» билан қўзғўямачилик ва қаллоблик йўлини танлаганларнинг ҳоли вой. Шундай экан, амалдаги қонунларга риоя қилган ҳолда иш юритиб, кўпчилик дуосини олишга не етсин.

Равшан ХОДЖАЕВ,
Паркент туман
прокуратураси
ҳузуридаги СВОЖКК
бўлими бошлиғи
вазифасини бажарувчи,
Ақмал МИРЗАБОВЕВ,
бўлим инспектори

Тақлиф

фли оқибат келиб чиқшини олдиндан кўра биладилар ва аниқлайдилар. Шундан келиб чиқиб, объектив ва субъектив белгиларни эътиборга олиб иштирокчилик тушунчасига қўйиладиган тахрирда таъриф беришни тақлиф этамиз: «Жиноий жавобгарликка тортиш ёшига етган икки ёки ундан ортиқ шахснинг қасддан жиноят содир этишда биргалишиб қатнашиши иштирокчилик деб топилади».

Албатта, бундай ўзгартаришни тақлиф этишдан қўзланган муайян мақсад бор. Амалдаги Жиноят кодексининг иштирокчилик оид моддасида икки ёки ундан ортиқ шахснинг иштиро-

жоридида тақлиф қилган тахрирда ўзгартариш киритилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Шу ўринда суд амалиётидан бир мисол келтириб юқоридидаги фикрларимизни асослашга ури-найлик. Тошкент шаҳар судида қўрилган бир жиноят ишида А. Камолов ўн тўрт ёшга тўлмаган О.Азатов ва П.Раҳимов билан тил бириктириб, хусусий озиқ-овқат дўконидан анча микдорда пул ва озиқ-овқат маҳсулотларини ўғирлаб яширинишган. А.Камоловнинг ҳаракати 127-модда, 3-қисм ва 164-модданинғ тегишли қисми

ИШТИРОКЧИЛИК

тушунчасининг таърифи ҳусусида

ғуруҳ тузади, учинчиси маълумот йўғи, дўртинчиси жиноят қуроли тайёрлайди, бешинчиси тўғридан-тўғри жиноятни амалга оширади. Бу жараёнда ҳар бир иштирокчининг ҳаракати бошқаси билан ўзаро боғланган ҳолда, уларнинг умумий хоҳиш ва қонқиши мос келиши керак. Жиноят кодексининг 27-моддасига кўра икки ёки ундан ортиқ шахснинг жиноят содир этиши иштирокчиликнинг субъектив белгиси ҳисобланади. Яъни, ўзгалар мулкчи иштирокчиликда талон-торож қилиш фақат қасддан содир этилади.

Ўзгалар мулкчи иштирокчиликда талон-торож қилишда иштирокчилар қилмишлари жиноят эканлигини ва ўз ҳаракатлари натижасида қандай ижтимоий ҳав-

ки белгиланган. Аммо жиноятда қатнашган икки ёки ундан ортиқ шахснинг жиноий жавобгарликка тортиладиган ёшга етган бўлиши кўрсатилмаган, бу масала жиноят ҳуқуқи фанида ўргатилади. Бундан ташқари, амалиётда айрим ҳолларда бир иштирокчиси ёшига етган, иккинчиси ёшига етмаган шахслар томонидан биргалишиб содир этилган жиноятлар ҳам бир ғуруҳ шахслар томонидан содир этилган, деб ҳисобланамоқда. Бундай ҳолат асосида равишда жиноят таснифини ўзгартариб юбормоқда ва адолатсиз жазо тайинлашига сабаб бўлмақда. Назаримизда, айрим сўмларда йўл қўйиладиган бу каби ҳатоларни бартараф этиш учун ЖКнинг 27-моддасига биз

бўйича малакаланган. Ушбу мисолдан ҳам кўриниб турибдики, шахсларнинг ҳаракатини иштирокчилик деб топиш учун объектив белгиларнинг ўзи етарли эмас. Демак, уларнинг қилмишида субъектив белгилар ҳам аниқ мавжуд бўлиши керак эди.

Хуллас, иштирокчиликда ўзгалар мулкчи талон-торож қилиш жиноятларининг ижтимоий ҳавфлилик даражаси, объектив ва субъектив белгиларига кўра яқша шахслар томонидан содир қилинган талон-торождан юқори даражада жазо тайинлаш малакашай эса ниятда муҳим аҳамият касб этади.

Саломат НИЁЗОВА,
ТДЮИ «Кримнология ва жиноят-иқтисод ҳуқуқи» кафедраси ўқитувчиси

ТЕРРОР ХУРУЖИ

У кимга ва нимага керак?

(Давоми. Боши 1-бетда)

БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида сузлаган нутқида Президентимиз жаҳон ҳамжамияти эътиборини уша пайтда терроризмнинг уюлган айланган Афғонистондаги мудоҳиш воқеаларга қаратиб, бу офатни бартараф этиш учун ҳамкорлик ва ҳушёрликка чакирганиди. Дарҳақиқат, жаҳон ҳамжамияти террорчилик ва экстремизмнинг айрим кўринишларигагина эмас, балки бу қабил ҳаракатларни уюшти- раётган ҳамда уларни за- монавий восита ва қуроллар билан таъминлаётган мар- казларга қарши биргаликда кураш олиб бorgan тақдир- дагина ёвуз қуларнинг пай- ини қирқиш мумкин.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, олти давлат томо- нидан (ХХР, Россия Феде- рацияси, Ўзбекистон, Козо- гистон, Қирғизистон ва То- жикистон) ратификация қилинган «Терроризм, сепаратизм ва экстремизм билан кураш тўғрисида»ги Шанхай конвенцияси минтақамизда- ги барқарорликни таъмин-

лашда муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. Хужжатда терроризм, сепаратизм ва экстремизмнинг халқаро тин- члик ва хавфсизликка, дав- латлар ўртасида дўстона му- носабатларни ривожланти- ришга, шунингдек, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишга таҳдид со- лаётгани кайд этилган. Бун- дай жиноятларни содир эт- ган шахслар тегишли қонун ҳужжатлари асосида жиноий жавобгарликка тортилиши келишиб олинган.

Шанхай ҳамкорлик Таш- килотининг яқинда Остона шаҳридаги саммити ҳам таъминлаётган аҳоли мар- казлари билан биргаликда кураш олиб бorgan тақдир- дагина ёвуз қуларнинг пай- ини қирқиш мумкин.

ишлаб чиқариш ва ташиш каби таҳдидларига қарши курашнинг кучли омилига айланиб бораётганини ало- ҳида эътироф этди.

Саммит қатнашчилари инсониятга хавф солиб тур- ган янги таҳдидларга қарши биргаликда курашиш, барқарорликни, мустақамлаш йўлидаги ҳамкорлик ме- ханизмларини янада такомил- лаштириш масалаларини му- хокама қилишди. Президент- лар Ҳиндистон, Покистон ва Эроннинг ташкилотда куза- тувчи мақоми олиш тўғри- сидаги мурожаатларини қуриб чиқди. Умумий кели- шувга мувофиқ, мазкур уч мамлакатнинг мурожаатлари- ни қаноатлантиришга қарор қилинди. Бу қарор ШХТ во- синтисида сайёраимиз аҳоли- сининг қарий ярмини ўзаро яқинлаштиришга, қўлба- хал- клар ва мамлакатлар ўрта- сида янги асосдаги ҳамкор- ликни қарор топтиришга хиз- мат қилиши шубҳасиздир.

Терроризмдан жабр курган айрим давлатларнинг баъзи бир сийсатчилари, Ан- дихон воқеалари муносабати билан Ўзбекистонни қўлаб-

қуватлаш ўрнига асоссиз да- во ва талаблар қўйишни ки- шини уйга толдиради. Рес- публикамизда фаолият олиб бориш учун аккредитациядан ўтмаган «уддабурон» мухбир- лар Андижонда содир бўлган воқеалар ҳақида кўз қўриб, қўлоқ эшитмаган ўйдирмалар- ни тарқатиб тургани сўзимиз- нинг исботидир. Умуман ол- ганда, Андижондаги фожа- лар ватанимизда «инсон ҳуқуқлари химоячиси» нико- би остида фаолият юритаёт- ган баъзи ноҳукумат ташки- лотларнинг ҳам ҳақиқий ба- шарасини кўрсатди. Америка- нинг айрим «хуқуқни химоя қилувчи» ташкилотлари» Анди- жонда содир бўлган зуравон- ликларнинг асосий рағбатлан- тирувчи сифатида қорала- наётган «Хизб-ут-таҳрир» гуру- хига нисбатан ўзларининг хайрихоҳлигини намоён эт- моқда.

Ўз-ўзидан савол туғилади: қанчадан-қанча бегуноҳ ин- сонларнинг ҳаётига зомин бўлиб келаётган бу мудоҳиш «уйин», террорчилик хуружи кимга керак ва ундан ким- лар манфаатдор? Дунё ми- қёсида обрў-эътибори ортиб бораётган мустақил Ўзбеки- стоннинг эришган ютуқлари кимларнинг гашини келтир- моқда? Ҳам мамлакат, ҳам инсон манфаатлари ҳар нар- садан устувор бўлган муста- қил ташки сийсатимиз ким- ларга хуш келмайти?.. Жа- воб аниқ, ўйин улар минта- қамизни, хусусан, Ўзбекис-

тонни ўз измига солиб, яшаб турган заминимизни уруш- жанжаллар гирдобига тор- томоқчи. Бундай гаразли ни- ятлар ортида минтақамиз- нинг бебаҳо бойликлариға кўз тикканлар турибди, тер- роризмни озиклантириб, ке- лаётган, гиёҳванд моддалар- ни олиб ўтиш учун қўлай жой излаётганларнинг ман- фур манфаатлари ётибди.

Халқаро терроризм ўзи- нинг гаразли қилмишларини давом эттираётган бу- гунги мураккаб вазиятда ҳаётнинг ўзи жаҳон ҳамжа- миятидан, жумладан, минта- қамиздаги барча давлатлар- дан бу балога қарши кураш- да ҳамкорликни қўлайтириш, ҳар қандай террорчилик ху- ружларининг олдини олиш учун биргаликда курашиш- ни тақозо этади. Мамлака- тимиз раҳбари таъкидлагани- дек, «Бу курашдан ҳеч ким четда қолмаслиги керак. Бу машъум офат мени четлаб ўтади ёки сен менга тегма, мен сенга тегмайман, деган хомхалларнинг умри узок бўлмайди. Бундай қараш ва сийсатларнинг охири вой бўлиши мукаррар».

Биоинженд, XXI аср вабо- си ҳисобланган терроризм- га қарши кураш бугун бар- чаимизнинг Ватан, келажак олдидаги бурчимиз, кечик- тириб бўлмайдиган масъули- ятли вазифамиздир.

Шукритдин ПАХРУТДИНОВ, сийсий фанлар доктори

ТАБИЙ ОФАТЛАР

АҚШни ларзага келтирган «Катрина» тўфони оқибатларини бартараф этиш иш- лари давом этмоқда. Айни пайтда буткул вайрон бўлган Луизиана штатида офат қур- бонига ай- ланган аҳоли вакиллари- ни қидириш ишлари иш- лари якунланган. Ассошиэтед пресс ахборот агентли- ги хабарига қараганда, тўфон оқибатида ҳаётдан кўз юмганлар сони 964 тага етган. Миссисипи- да эса 221 киши ҳалок бўлган.

Мазкур офат оқибатларини бартараф этилмасидан туриб ўтган ҳафта АҚШга яна бир тўфон «Рита» хавф солганди. Натижада Мексика кўрғазидида нефтни қайта ишлаш ва қазиб олиш инфра- тузилмаси бу- тунлай ишдан чиқди. Мута- хассислар АҚШда кет- ма-кет табиий офат юз бе- раётганини Атлантика ум- монидидаги тўфонлар мавсуми бошланганли- ги билан изохламоқда. Уларнинг тахмини- ча, бундай ҳолатлар ноябрь ойи сўнгиги- га давом этиши мумкин.

НАВБАТДАГИ АНЖУМАН

Парижда БМТнинг фан, таълим ва мада- ният масалалари бўйича ташкилоти - «ЮНЕСКО»нинг 33-Бош конференцияси ўтказилмоқда. Унда ташкилотга аъзо 191 мамлакатдан келган икки мингдан зиёд ва- ки иштирок этапти.

Анжуманда дунё халқлари ўртасида ма- даний алоқаларни кенг йўлга қўйиш, спортда допинг муаммосига қарши кура- шиш ҳамда биоэтикага оид масалалар му- хокама этилаётир. 21 октябрга қадар да- вом этадиган конференцияда, ЮНЕСКО Ижроия кенгаши аъзолари ва мазкур таш- килот раҳбари лавозимини ўқув сайлов ўт- казилади. Маълумотларга кўра, ЮНЕСКО Бош директорлигига 1999 йилдан буён иш- ушбу ташкилотни бошқариб келаётган япо- ниялик Коитиро Мацууранинг қайта сай- ланиши кўтилмоқда.

НОБЕЛЬНИ КИМ ОЛАДИ

Швеция пойтахти Стокгольмда аъна- вий Нобель ҳафталиги бўлиб ўтмоқда. Шве- ция Қироллик илмий академияси ушбу ну- фузли мукофотнинг 2005 йилги номзодла- рини аниқлашга киришган.

Нобель мукофоти ҳар йили физика, кимё, тиббиёт, иқтисодиёт, адабиёт соҳа- сида катта ютуққа эришган ҳамда тинчлик йўлида жонбозлик кўрсатган шахсларга берилади.

Айтиш жоиз, мукофотга бу йил дунё бўйича 199 нафар номзод кўрсатилган. 104- брой ташкил этилган Нобель ҳафталигининг илк совриндорлари тиббиёт соҳасидан кўрсатилган номзодлар бўйича аниқланди. Бу йил мазкур мукофотга австралиялик од- дий врачлар — Барри Маршалл ва Робин



Уорреннинг тиббиёт ва биология соҳасида- ги муносиб хизматлари учун берилди. Улар ушбу нуфузли мукофотга инсонда гастрит ва ошқозон ярасини қўзғатувчи бактерия- ларни кашф эт- гани учун сазо- вор бўлишди. 1982 йили маз- кур икки тадқи- қотчи гастрит ва ошқозон ярасини махсус бак- териялар қўзғатишини ва уларни антибиотиклар ёрдамида даволаш яхши самара беришини аниқлашди. Шу пай- тгача бундай хасталикларга қаттиқ асаб бу- зилиши, аччиқ таомларни кўп истеъмол қилиш ва носоғлом турмуш тарзи сабаб бўлади, деган тушунча мавжуд эди.

Нобельнинг физика йўналишида эса уч номзод қўлиб деб топилди. Улар АҚШлик Рой Глаубер, колорадалик Жон Холл ҳамда германиялик Теодор Хэншлардир.

Куни кеча эса Швеция Қироллик ака- демияси кимё йўналиши бўйича франция- лик Ив Шовен ҳамда АҚШлик олимлар Роберт Груббс ва Ричард Шроклар маз- кур нуфузли мукофотга сазовор бўлган.



Келаси ҳаф- тада иқтисо- диёт ва ада- биёт соҳала- ри ҳамда тинчлик йўналишида ҳам Нобель мукофоти эгала- рининг номи маълум бўлади. Унинг со- ҳибларига 10 миллион Швеция кронаси (тахминан 1,3 миллион АҚШ доллари) миқ- дорида пул мукофоти берилади. Ғолиб- ларни тақдирлаш маросими эса, одатда- гидек, 10 декабрь куни Стокгольм ва Осло шаҳарларида ўтказилади.

ФРАНЦИЯДА ИШ ТАШЛАШ

Францияда йўл транспорти ходимлари- нинг иш ташлаши бўлиб ўтди. Улар ойлик маошларини ошириш, ишсизликка барҳам бериш ҳамда хизматчилар шароити яхши- ланишини талаб қил- ган. Касаба уюшмалари томонидан т а ш к и л этилган иш ташлашда мамлакатда- ги барча т у р д а г и транспорт воситаларининг ходимлари иш- тирок этган.

Шу куни маҳаллий аҳоли вакиллари ўз иш жойларига шахсий автомобилларида бо- ришга мажбур бўлди. Шу боис кўчаларда тирбандлик вужудга келди. CNN хабарига кўра, иш ташлаш тўғрисида мамлакатдаги қатор мактаб ва боғчалар ҳам фаолият юри- та олмаган.

Алишер НАЗАРОВ

СУДЛАНГАНЛИК МУДДАТИ ҚАЧОН ТУГАЙДИ

Менинг яқин қариндошим судланиб, жазо муддатини ўтаб қайтди. Унинг судланган- лик муддати қачон тугайди?

Ақбар ҚУРЛОВ, Жиззах вилояти.

Ўзбекистон Республика- сининг 78-моддасида суд- ланганлик ҳолатининг тугаллиги ҳақида сўз юретишга, шахснинг суд- ланганлик ҳолати қуйи- даги пайтларда тугалла- нади:

а) шартли ҳукм қилин- ганларга нисбатан сив- нон муддати тугаган кун- дан бошлаб;

б) хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмга жўнатиш тарзи- даги жазоларни ўтаб чиқач;

в) жарима жазоси ижро этилгандан кейин, шунингдек муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тузатиш иш- лари жазоси ўталгандан кейин бир йил ўтгач;

г) қамок жазоси ўтал- гандан кейин икки йил

ўтгач; д) беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озод- ликдан маҳрум қилиш жа- зоси ўталгандан кейин тўрт йил ўтгач; е) беш йилдан ортик, лекин ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озод- ликдан маҳрум қилиш жа- зоси ўталгандан кейин етти йил ўтгач; ж) ўн йилдан ортик, лекин ўн беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озод- ликдан маҳрум қилиш жа- зоси ўталгандан кейин ўн йил ўтгач.

Судланганликни олиб ташлаш ҳақида ҳам Жи- ноят кодексининг 79-мо- ддасида сўз юритилган. Агар шахс озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб бўлгандан кейин унга нисбатан маъмурий жазо ёки интизомий таъ- сир чоралари қўлланил-

маган бўлса, жамоат бирлашмаси, фуқаролар- нинг ўз-ўзини бошқариш органи, жамоа ёки жазо- ни ўтаб чиққан шахснинг ўзи берган илтимосига кўра, ЖКнинг 78-модда- сида назарда тутилган му- ддатларнинг камида ярми ўталгандан кейин судланганлик олиб таш- ланади.

Ўн беш йил ва ундан ортик муддатга озодлик- дан маҳрум қилиш жа- зосини ўтаб чиққан шахс- лар ҳамда ўта хавфли ре- цидивистлар, агар улар жазонини ўтаб чиққандан кейин ўн беш йил мобай- нида жиноят содир этма- салар, суд уларнинг суд- ланганлигини олиб таш- лаши мумкин.

Жиноят кодексининг 13-моддаси 2-қисмида назарда тутилган асос- лар мавжуд бўлган тақ- дирда ҳам судланганлик олиб ташланиши мум- кин. Судланганлик авф этиш ёки амнистия акти асосида ҳам олиб таш- ланади.

С.НИЁЗОВА, ТДЮИ ўқитувчиси

Сўраган эдингиз

Солиқ

Президентимизнинг «Микрофирмалар ва кичик корхо- наларни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармониغا асосан жорий йил- нинг 1 июлидан бошлаб пенсия, республика йўл ва мак- таб таълими жағмалари учун мажбурий ажратмалар ўрни- га ягона солиқ тўлови жорий этилди. Бу ортиқча қорғо- зобликка чек қўйиб, тадбиркорларнинг маблагини тежаш имкониятини яратди. Шу билан бирга улар фаолиятини текшириш ва назорат қилиш фақатгина Давлат қўми- таси ва унинг жойлардаги инспекциялари зиммасига юк-

ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

латилди. Албатта, бу солиқ идоралари ходимларидан ўз вазифасига масъулият билан ёндошишни талаб этади. Пскент туман Давлат солиқ инспекциясида бу борада му- айян ишлар амалга ошириляпти.

— Президентимизнинг қатор фармон ва қарорлари иш- билармонлик ва тадбиркорликни ривожлантириш бораси- да муҳим омил бўлди, — дейди туман Давлат солиқ ин- спекцияси қисқа муддатли текширишлар ўтказиш ва бо- зорлар фаолиятини назорат қилиш шўъбаси бошлиғи Ўткир Тошқодиоров. — Чўноччи, ортиқча текшир-текшир, ҳар хил идораларга ҳисобот ва бошқа ҳужжатлар тақдим этиш ка- майди. Биргина жорий йилнинг 1 сентябрга қадар туман- нимизда бор-йўғи 31 та текшириш ўтказилди. Аниқланган қонунбузарликлар юзасидан 6 миллион 306 минг сўм мо- лиявий, 1 миллион 85 минг сўм маъмурий жарима қўлла- нилди. Айни пайтда нақд пул тушумини ошириш, яшрин ишлаб чиқаришга чек қўйиш мақсадида мониторинглар ўтказилиб, зарур чоралар қўрилмоқда...

Эътиборли томони шундаки, туман ДСИ томонидан аҳоли ўртасида солиқ тўловларини ўз вақтида тўлаб боришининг фойдали жихатлари хусусида кўпгина тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Бу қўтилган самарани бериб, давлат бюджети тушумларини ўз вақтида бажарилишига замин яратмоқда.

Б.МУХАММАДИЕВ

Ишлаб чиқарилган маҳсулот ва турли соҳалар- да қўлланилаётган ўлчов воситаларининг давлат стандарти талабларига тўғри келишини маъқуллаш «Ўзстандарт» агентлиги зиммасидадир. Бу вазифа агентлигининг ҳудудий органларига айниқса катта масъулият юклайди. Чўнки маҳсулот қанчалик си- фатли бўлса, истеъмолда ва фойдаланганда хавф- сиз, ички ва ташқи бозорда ҳам бемалол рақобат қила олади. Қолаверса, «Ўзбекистонда ишлаб чи- қарилган» тамғаси остидаги маҳсулотлар кишида ўзгача фохр туйғусини уйғотайди.

Фаргона синови ва сер- тификатлаштириш мар- кази товар-маҳсулотлар си- фатлигини таъминлаш борасида муайян ишларни амалга ошириб келмоқда. Хусусан, жорий йилнинг 9 ойи мобайнида марказга 1205 та буюртма келиб тушди, 1716 та мувофиқла- штириб берилди. Шу жум- ладан, 188 та хорижий дав- латлар сертификатли эъти- роф этилди.

Сертификатлаштирил- ган маҳсулотларни саноат тармоқлари бўйича тақ- симлайдиган бўлса, озик- овқат бўйича 745 та, қури- лишда 290 та, машинасоз- лик саноатида эса 315 тани ташкил этади. Маълум бўладики, ишбилармон- лар, кичик бизнес ва ху- ссий тадбиркорлик субъек- тлари ушбу соҳаларни ри- вожлантиришда ўз ҳисса- ларини қўшиб келмоқда.

Бундан ташқари, вилоятдаги қўлчи- лик корхоналар ўз маҳсулотларини хо- рижий мамлакат- ларга экспорт қилишга эришмоқ- да. «Қуваойце- мент», «Кварц», «Фаргондонмаҳсу- лотлари» ҳиссалдор- лик жамиятлари, «Деларос» қўшма корхонаси шулар жумласидандир. — Маҳсулотнинг кейинги босқичлар-

жасидаги кўрсаткичларини аниқлаш учун керакли ус- куна ва жиҳозлар билан таъминланди. Айни пайтда бугдой донини синаш ла- бораторияси ишга туши- рилди. Яқин орада мебел маҳсулотлари учун ҳам шундай лаборатория таш- кил этиш режалаштирил- моқда. Умуман, сертифи- катлаштириш бўйича мар- каз томонидан 9 ой даво- мида қиймати 3 миллиард 973 миллион 770 минг сўм

Тошкент шаҳар синови ва сер- тификатлаштириш мар- кази ҳам ўз фаолиятини туб- дан янгиллаб, бу борада қатор ижобий ишларни амалга ошириб келмоқда. Марказ томонидан шу йилнинг 9 ой даврида маҳ- сулотларни синаш ва серти- фикатлаштириш хизматлари режаси 113 фойза бажарил- ди ва 5104 та мувофиқлик сертификати берилди. Сер- тификатланган маҳсулот ус- тидан 354 та назорат ўтқа-

Сифат сертификати — маҳсулот қафолати

тайёрланаётган ва халқ ис- теъмоли учун сотиладиган озик-овқат таомлари ва ярим тайёр маҳсулотлар турлари- ни сертификатлаштириш мақсадида марказнинг акк- редитация соҳаси кенгайти- рилди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Корхонада халқаро стан- дартларга мувофиқ бўлган си-

лашган 61 та корхонада иш бошлаш режалаштирилган эди. Бугунги кунгача «Тошкент йўловчи вагонларини таъмир- лаш заводи», «Ташсельмаш», «Кварц», «Биокимм» очик ак- ционерлик жамиятлари, «Ба- рака олам», «Агрофирма», «Меҳнат», «Доз-Тур» қўшма корхоналари билан шартно- ма имзоланиб, амалий ишлар олиб боришмоқда.



зидди. Сертификатлаштирил- ган маҳсулотлар ҳажми эса 644 миллион 337 миллион 562 минг сўмни ташкил этди. Ушбу кўрсаткичларни ўтган йилнинг шу даврига нисба- тан таққослайдиган бўлса, Тошкент шаҳар синови ва сер- тификатлаштириш маркази- нинг ўсиш суръати 107,6 фо- изга ошганлигини қўзатиш мумкин.

«Озик-овқат маҳсулотла- рининг сифати ва хавфсиз- лиги тўғрисида»ги қонун- нинг бажарилиши юзасидан маҳсулотлар, уларни ишлаб чиқаришга мулкжалланган ус- куналар, қадоқлаш матери- аллари гигиена сертификат- лари асосида давлат рўйжа- тидан ўтказилди. Умумий ов- қатланиш корхоналарида

Маҳсулотлар ва хизматлар синовини ўтказиш ва сер- тификатлаштиришнинг замона- вий тизимини ташкил этиш- да аввало мутахассислар ма- лакасини ошириш, техник ўқишни ташкил этиш муҳим ўрин тутайди. Шу мақсадда марказнинг 9 нафар ходим- лари ўқув курсларида мала- қа ошириб қайтилади. 5 на- фар мутахассис эса экспорт- аудиторлик унвонини олиш учун ҳужжатлари аттестация комиссиясига топширилди.

Зиёвдин ОБИДОВ, Тошкент шаҳар синови ва сер- тификатлаштириш маркази директори. Носир ХАЙДАРОВ олган суратлар



Ишлаб чиқариш КУЧИМИЗГА КУЧ, ҒАЙРАТИМИЗГА ҒАЙРАТ ҚўШИЛДИ

дейди қўқониник тадбиркор Маҳмуджон Раимжонов

Қўқон шаҳридаги Маҳмуджон Раимжонов раҳ- барлик қилаётган «Ўзбеким қўйлақлари» хусусий ишлаб чиқариш — савдо фирмаси маҳсулотлари бугун кўпчилик миқозлар эътиборини тортмоқда. Зеро, бугунги бозор иқтисодиёти шароитида ар- зон ва сифатли маҳсулотнинг харидори бисёр.

Маҳмуджон аканинг ота-онаси Қўқоннинг мо- хир тикувчи-чеварларидан бўлишган. Ана шунинг учун ҳам уларнинг изидан бориб, ушбу фирмани ташкил этди. Германия, Россия, Венгрия, Чехия каби давлатларнинг тикув машина ва жиҳозлари- ни ўз хонадонига олиб келиб ўрнатди. Омило- рона иш юритилгани боис маҳсулот ҳажми ва си- фати ошиб борди.

Айни пайтда корхонада 18 та тикувчилик даст- гоҳи ёрдамида эркаклар қўйлағи, ётоқхона жам- ланмаси, махсус кийим-бош ишлаб чиқариляпти. Пахта, лафсан ва синтетик матоддан тайёрланаёт- ган маҳсулотлар сифатлилиги ва бежиримлиги би- лан ажралиб туради. Қувонарлиси, миқозлар сони кун сайин ортиб бормоқда. Биргина жорий йилда Ангрендаги «Қулор» ОАЖ ҳамда чустлик хусусий тадбиркорлар Охунжон Абдувоҳидов ва Ғайрат- жон Фаниев билан маҳсулот отказиб бериш бўйи- ча 6 миллион 809 минг сўмлик шартномалар им- золанди.

— Шаҳримизда мато тўқийдиган корхона ва хусусий корхоналар анчагина, — дейди фирма раҳ- бари. — Лекин уларда пахта ва синтетик толани аралаштириб тўқиш имконияти йўқ. Бугунги хари- дорга эса ана шундай пишиқ ва чидамли маҳсулот керак. Биз деярли барча хомашини Хитой ва По- кистондан олиб келаямиз. Борди-ю, бундай хо- машё мамлакатимизда ишлаб чиқарилса, маҳсу- лотларимиз таннархи 50 фойзгача камаярди.

Президентимизнинг яқинда матбуотда эълон қилинган «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий химоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониини ўқиб, биз тадбиркорлар жуда қувондик. Негаки, аввал- лари ортиқча текшир-текширлар ишлагаша, янги- лик яратишга имкон бермасди. Айни кезде тад- биркорликка тўсиқ бўлаётган бундай текширув- ларнинг пайи қирқилди...

Чиндан ҳам бундай тадбиркорларимиз эмин-эр- кин фаолият юритишлари учун кенг имконият яра- тилди. Энди улар бундан самарали фойдаланиб, юрт фаровонлигига ўз ҳиссаларини қўшсалар.

Хуришд СУЛТОНОВ

МУСТАҚИЛ

ЮРТИМ

Жаннатмакон юртим — Ўзбекистоним
Халқинг саодатли истиқлолингдан!
Ўзинг илҳомимсан, кучим дармоним,
Мамнунман мунаввар истиқболингдан!

Ўтди не аждодлар, бобокалонлар,
Бахш этиб озодек учун жонини.
Не бахт, насиб этди фарахбахш онлар —
Оқладик уларнинг тўққан қонини.

Байроғинг хилпарар юксак, сарбаланд,
Жаҳон узра янграй давлат мадҳиянг.
Ёш, янги авлодга мансуб ҳар фарзанд
Олмоқда серкирра таълим-тарбиянг.

Кутлуг истиқлолдан истиқбол томон,
Бошланган улуг йўл шарофатлидир.
Ўзбекининг ўзлиги, юрти ҳар қачон
Безавол, баркамол, тароватлидир!

Зайниддин НОРМАНОВ

Китоб давлат геологик қўриқхонаси нафақат республикамиз, балки хорижда ҳам машҳур. У ер кўрассининг геологик тузилиш тарихини илмий асосда ўрганиш ва сақлаш мақсадида ташкил этилган. Бу ерда қарийб 40 йилдан бундан тадқиқотлар олиб борилаётган.

Худуддаги геологик қўриқхона ўтган асрнинг 60-йилларидаёқ мутахассислар эътиборини ўзига тортган эди. 1978 йили Самарқанд шаҳрида девон дари стратегиясини ўрганиш комиссиясининг халқаро анжумани ўтказилди. Унда жаҳоннинг ўн уч давлатидан таниқли олимлар иштирок этиб, худудда қўриқхона ташкил этиш ғоясини ўртага ташладилар. Зеро, она табиат инъом этган очик ҳолатдаги бундай тарихий обиди бошқа жойларда учрамайди.

Зарафшон тоғ тизмаларида жойлашган, 5378 гектар майдонни ўз ичига олган қўриқхона асосан сойликлар, тоғ қияликларидаги иборат. Қўриқхонадаги Зинзилбоғ, Новобог, Обисафид, Хўжақўрғон стратегия кесмаларидан 400 миллион йил илгариги ер тарихини ўрганиш мумкин. Палеонтологик тадқиқотлар натижасида бу ерда 16 туркумдаги фауна ёки ўсимлик ҳамда ҳайвонларнинг тош қотган қолдиқлари борлиги маълум бўлди. Қолаверса, бундан 400 миллион йил илгари бутун Марказий Осиё денгиз остида бўлганлиги аниқланди. Шунинг учун жаҳоннинг йирик олимлари қўриқхона худудини эталон сифатида қабул қилишни тақдир этдилар. Бу тақдир махсус комиссиясининг 1978 йилда Калгари

ХАЛҚАРО АҲАМИЯТДАГИ ҚЎРИҚХОНА



шаҳрида бўлиб ўтган кенгашида маълумланди. Чунки бу ердаги кесмалар бошқа жойларда ҳам ернинг пайдо бўлиши тарихи, унинг бойликлари ва қадимги мавжудотларни аниқлашга, ўрганишга ёрдам беради.

Айни кунларда бу ерда қирқ нафарга яқин олимлар геология, минералогия, палеонтология, зоология фанлари ривожига ҳисса қўшиш учун астойдил меҳнат қилишяпти. Илмий изланишлар белгиланган режа асосида уч йўналишда олиб борилаётган.

Қўриқхона худудида ноёб дараклар, доривор ўсимликлар, турли-туман ҳайвонлар кўп. Мутахассислар фикрича, бу ерда ўсимликларнинг 500 хилдан зиёд, ҳайвонларнинг эса 155 тури мавжуд.

Қоровулбозор шаҳридаги «Гўзал» спорт иншооти бир пайтлар спорт билан шуғулланувчи ёшларнинг севимли маскани эди. Негадир сўнгги йилларда махмуа эътибордан четда қолди. Эҳтимол, бунга кўнгилдаги

«ГЎЗАЛ» ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

дек шуғулланиш учун шарт-шароитнинг йўқлиги сабаб бўлгандир...

Бундан ярим йилча бурун хайрли ишга қўл урилди. Спорт мажмуини таъмирлашга киришилди. Бунинг учун Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, «Ўзбургуз» корхонаси ва бошқа ташкилотлар 100 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратди. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси виллоят филиали 30 миллион сўм маблағ билан қўмақлашди, 4 миллион сўмлик спорт

жиҳозларини совға қилди. Яқинда «Гўзал» спорт-соғломлаштириш мажмуасида бунёдкорлик ишлари ниясига етиб, қоровулбозорликлар фахрланса арзигудек спорт қошонасига айлантирилди. Мини футбол майдон-

часи, югуриш йўлакларини, теннис корти барпо этилди. Сузиш ҳавзаси таъмирланиб, кураш ва бокс заллари кенгайтирилди. Бундан ташқари, шахмат, шашка, волейбол ва баскетбол билан шуғулланувчилар учун ҳам етарли шартлоллар яратилди.

Хуллас, хайрли ташаббус ва ҳомийлар қўмағи билан спорт-соғломлаштириш мажмуаси спортсевар ёшлар билан гажум масканга айланди.

Дилмурод ЖАББОРОВ,
«Адолат» мухбири

БИРИНЧИ ДАВРА ЯКУНЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)
Шундай қилиб, ўзбекистонлик халқаро гроссмейстер Рустам Қосимжонов ва дунёнинг энг кучли етти шахматчиси — англиялик Майкл

Адамс, Венгрия вакиллари — Юдит Полгар ва Петер Лeko, россиялик Петр Свидлер ҳамда Александр Морозевич, болгариялик Веселин Топалов ва ҳиндистонлик собиқ жаҳон чемпиони Вишванатан Ананд иштирок этмоқда.

Мусобақа қойдасига қўра, номи зикр этилган гроссмейстерлар бир-бири билан икки давралли тизимда куч синашади, яъни ҳар бир шахматчи ўн тўрттадан ўйин ўтказди. Чемпионатнинг мукофот жамғармаси бир миллион АҚШ долларида иборат. Шундан ғолибга 300 минг, финалчи 200 минг ва учинчи ўрин эгасига 140 минг АҚШ доллари мукофот тариқасида топширилади.

Мусобақа ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов учун яхши бошланди. Россиялик Александр Морозевич ўртасидаги биринчи турнинг энг кескин ва мurosасиз учрашуви беш соатдан кўпроқ давом этди.

Бироқ вақт ғолибини аниқлашга етмади, гроссмейстерлар дуранг натижага рози бўлди.

Жаҳон чемпионатининг иккинчи турда шахматчиларнинг барчаси дуранг ўйнади. Ўзбекистонлик халқаро гроссмейстер Рустам

Қосимжонов бу гал россиялик шахматчи Петр Свидлерга қарши дона суриб, очколарни бўлишиб олди — 0,5:0,5.

Мусобақанинг учинчи ва тўртинчи тур беллашувлари аввалгиларига нисбатан анча қизиқarli кечди. Саккизта беллашувда бирорта ҳам дуранг қайд этилмади.

Учинчи тур беллашуви Рустам Қосимжонов учун омадсиз келди. Жаҳон чемпионатининг ягона аёл шахматчиси — венгриялик Юдит Полгарга қарши қора доналарда ҳаракат қилган ҳамюртимиз, кутилмаганда имкониятини бой берди. Энг қизиқarli учрашувлар тўртинчи турда кузатилди. Барча мўлису мутахассисларнинг эътибори икки жаҳон чемпиони - Вишванатан Ананд ҳамда Рустам Қосимжонов ўртасидаги баҳсга қаратилди. Мураккаб вазиятда қолган ўзбекистонлик гроссмейстер ҳеч ким кутмаган йўлни топа олди ва бир зумда чемпионат фаворитини мот қилди.

Бешинчи турда Рустам Қосимжонов Майкл Адамсга қарши қора доналарда ўйнади. Кутилганидек, бу беллашув ҳам анча қизиқarli бўлди, бироқ гроссмейстерлар баҳсида яна ғолиб аниқланмади. Оқ доналар билан ўйнаган Майкл Адамс 29-йўришда амалдаги жаҳон чемпионига дуранг тақдир

қилди. Чемпионатда барқарор ўйин кўрсатаётган ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов олтинчи турда венгриялик Петер Лeko билан куч синашди. Оқ доналарда ҳаракат қилган ўзбекистонлик гроссмейстер учрашув давомида устулликни ўз томонига ушлаб турди. Бироқ, Рустам Қосимжонов уюштирган ҳужумлардан муваффақиятли ҳимояланган Петер Лeko 43-йўришда дуранг натижага эришди.

Айтиш жоизки, Рустам Қосимжонов учун биринчи давранинг сўнгги учрашуви муваффақиятсиз бўлди. Рақибларини кетма-кет мағлубиятга учратаётган Веселин Топалов /Болгария/ еттинчи турда ўзбекистонлик гроссмейстерни енгди.

Иккинчи давранинг яна етти учрашуви олтидан 6,5 очко жамғарган Веселин Топалов етакчилик қилмоқда. Иккинчи погонани 4,5 очко билан Петр Свидлер эгаллаб турибди. Вишванатан Ананд ҳамда Петер Лeko ҳисобида 3,5 тадан очко бор.

Амалдаги жаҳон чемпиони — Рустам Қосимжонов ҳамда Александр Морозевич 3 очкодан тўплаган. Иккитадан очко жамғарган Юдит Полгар ва Майкл Адамс сўнгги ўринларда қайд этилган.

Жаҳон чемпионати 16 октябрь куни якулланади.

Бохир БЕК

Теннис

ТОШКЕНТДА БЕЛЛАШУВ

Ўзбекистонда спортнинг кўплаб турлари каби теннис бўйича ҳам нуфузли халқаро турнирларни ўтказиш анъанасига эга.

Бу йилги «Тошкент опен» халқаро аёллар теннис мусобақасининг бош совринини қўлга киритиш учун ҳамюртларимиз — Окгул Омонмуродова ҳамда Ирода Тўлағановадан ташқари Аргентина, Россия, Украина, Италия, Чехия, Венгрия, Испания, Ҳиндистон, Франция, Финляндия, Беларус, Индонезия, Қирғизистон, Нидерландия, Руминия, Швейцария ва Исроилдан келган ракетка усталари қорға чиқмоқда.

Мазкур нуфузли мусобақанинг 2000 йилги ғолибаси Ирода Тўлағанова турини муваффақиятли бошлаганди. Дастлабки учрашувда украинalik Ольга Савчукни 6:2, 6:2 ҳисобида мағлубиятга учратган ҳамюртимиз Ирода Тўлағанованинг мусобақани иккинчи босқичдан тарқ этди. Турнирда учинчи рақамда сараланган ита-

лиялик Антонелла Серра Занетти мамлакатимизнинг энг тажрибали теннисчиси Ирода Тўлағановани 6:4, 2:6, 6:1 ҳисобида мағлуб этди.

Осиёнинг бу йилги чемпиони Окгул Омонмуродова эса ғалабали оидларини давом эттирмоқда. Биринчи босқичда иккинчи рақамли ракетка устаси Алёна Бондаренко мусобақадан қайтариб юборди.

Халқаро турнирнинг иккинчи босқичи ҳам Окгул Омонмуродова учун омадли келди. Ҳамюртимиз чорак финал йўлида россиялик Галина Воскобеевани 6:4, 6:4 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Мусобақанинг жуфтликлар ўртасидаги беллашувлари ҳам қизиқarli бўлмоқда. Окгул Омонмуродова биринчи учрашувда Ирода Тўлағанова билан ҳамкорликда Мария Коритцева /Украина/ ва Елена Веснина /Россия/ жуфтлигини 6:1, 6:4 ҳисобида мағлубиятга учратиб, кейинги босқичга йўланма олди.

Ўзбекистонлик ўта оғир ваззли енгилмас профессионал боксчи Руслан Чагаев Германиянинг Гамбург шаҳридаги Color Line Arena спорт мажмуида навбатдаги рейтинг жаңигини ўтказди. Бу гал ҳамюртимиз

натижа қайд этганди.

Жаңгда Руслан Чагаев Юсимар Ипполитодан маҳорат ва тажриба бобида анча устун эканини исботлади. Ҳамюртимиз бразилиялик боксчини эллик сония ичида икки маро-

НАВБАТДАГИ ҒАЛАБА

бразилиялик чарм қўлқоп устаси Юсимар Ипполитога қарши рингга чиқди.

Ушбу жаңг олтидан муҳлису мутахассислар Русланинг имкониятини юқори баҳолаганди. Чунки ҳаваскор боксчилар ўртасида икки маротаба жаҳон чемпионлигини қўлга киритган ўзбекистонлик спортчи профессионал рингдаги ўн етти жаңгидан ўн олтиасини ўз фойдасига ҳал қилган ва битта учрашувда дуранг

таба нокдаунга учратди. Шогирдини Русланга кучи етмаслигини ўз вақтида ангаган мураббий Эротилде Балтазар рингга оқ сочлиқ ташлаб, ўзбекистонлик боксчининг ғалабасини тан олди.

Руслан Чагаев профессионал боксдаги ўн еттинчи ғалабасини нишонлади. Шулардан ўн тўрттасида мудатидан олдин ғолиб чиққан ҳамюртимиз жаҳон рейтингига эллик тўққизинчи поғонада қайд этилган.

ҲАМЮРТЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Жанубий Кореяда катталар ўртасида тасқвондонинг WTF йўналиши бўйича ўтказилган халқаро турнирда элликка яқин мамлакат вакиллари куч синашди.

Унда ўз вазн тоифасида барча рақибларини енгган иқтидорли спортчимиз Шерзод Қудратов ҳамда Евгений Ли олтин медални қўлга киритди. Юртимиз шарафини ҳимоя қилган яна икки нафар тасқвондоч — Элбек Низомидинов ва Павел Хан кумуш медалга сазовор бўлди. Шунингдек, ҳамюртларимиздан — Бехзод Ўринов, Георгий Чернов, Алишер Исмаилов ҳамда Шоҳрух Алибековлар юртимизга бронза медаллари билан қайтишди.

Спортчиларимиз умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни эгалладилар.

Латифа

КАСАЛЛИКНИ ЕНГАНМ. ТУШУНЯПСИЗМИ?..

ТУШУНАРЛИ ЭЗ

Талаба ўқитувчидан сўрабди:

— Домлажон, дафтаримга нимадир ёзиб қўйган экансиз. Ҳечам ўқий олмадим. Нима деб ёзгансиз?

— Қани қўрсат-чи...

Домла роса икки минут талабанинг дафтарига тикилиб турибди-да, дебди:

— Мен «тушунарли ёзгин» деб ёзган эканман.

ЯХШИ ЖАВОБ

Ўқитувчи талабадан фамилиясини сўради:

— Сизнинг фамилиянгиз нима?

— Махмудов, — талаба шундай дедик, қулиб қўйди.

— Нега куляпсиз, Махмудов, — сўради ўқитувчи.

— Биринчи саволга яхши жавоб берганимдан хурсандман, — деди талаба.

2x2=?

Махсус мактабга барча даврлардаги энг машҳур авваларни йиғишди. Математика дarsида ўқитувчи савол берди:

Болалар, икки карра икки неча бўлади?

Биринчи Анвар ўрнидан туриб, қўлини чўнтагига солди, кўзларини қисиб юқорига қаради-да деди:

— Бу архивларда қолиб

кетган эски савол-ку?

Иккинчи Анвар афтини буриштирди:

— Икки карра икки — маъноси бир хил!

Учинчи Анвар эса ёнидан уяли телефонини чиқарди:

— Хеллоу, Жоржик? Ту бай ту — хау мач?

У томондан қандайдир овоз эшитилган, телефонни ўқириб деди:

— У билмас экан, лекин отасидан сўраб, кейин телефон қилишини айтди.

ЭНДИ ИЧСАМ БЎЛАДИМИ?

— Дўхтир ука, мен беш йил давомида алкогольизм билан олишдим ва ниҳоят уни енгдим. Беш йил давомида муттасил даволаниб, касалликни батамом енгдим. Тушуняпсизми?..

— Ҳа-ҳа, сизни табриклайман амаки. Ҳозир ҳеч нарсасиз қилмаптими?

— Фақат битта савол қийнапти. Айтинг-чи, энди менга ичиш мумкинми?

ЭЪЛОН

● «Малика» МЧЖ Хусниддин Асомов (эски Софийский) кўчасидаги бўш турган кўп қаватли бинони савдо, маданий ва маънавий хизмат кўрсатиш шохбачалари, ишлаб чиқариш майдони учун келишилган нархларда ижарага беради.

● «Малика» МЧЖ қошида янги ишга туширилган дастгоҳларда матоларни бўяшга буюртма қабул қилади.

● Корхона ҳозирги кунда бўёқ цехига конструктор ва тикувчиларни ишга тақдир қилади.

Мурожаат учун телефон: 132-26-69

ЯНГИ АЛОҚА ТАРМОҚЛАРИ

Наманган виллоятида телекоммуникация тизимини рақамлаштириш, ишчи толали алоқа кабел тармоғини барпо этиш жадал сўрабларда давом эттириляпти. Утган йили Наманган шаҳрида Хитой Халқ Республикаси «HUAWEI» компаниясининг 9,5 миңг номерли электрон алоқа станцияси фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари, виллоят марказидаги АТСларни боғловчи 42,7 километр ишчи толали айланима кабел тармоғи

ҳўжалик усулида барпо этилди.

Жорий йилда Япония Халқаро Ҳамкорлик банки (JBIC) кредити ҳисобида виллоятда 366 километр узунликдаги ишчи толали алоқа тармоғи қурилиши ниясига етказилди. Мазкур алоқа иншооти ишга туширилиши билан виллоят, туман марказларини боғловчи ишчи толали алоқа тизими вужудга келди. Натижада шаҳарлараро ва халқаро алоқа хизмати сифати тўбдан ях-

шиланди, телекоммуникация орқали маълумот узатиш тезлиги ортиди, виллоят аҳолиси республиканинг бошқа худудлари билан анча тез ва сифатли боғланиш имкониятига эга бўлди. Айтиш мумкинки, айни пайтда виллоятда янги технология ва хизматларни жорий этиш орқали интернет тармоғи мижозларининг қўламини кенгайтиб бормоқда. Ҳозирги кунда тўртта провайдер бўлими мижозларга интернет хизмати кўрсатаёпти. Биргина Наманган шаҳрида 5 та интернет кафе ишлаб турибди.

Шоҳрух САРИЕВ